

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОЛARНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

№ 11 (1190) 2019 йил 14 марта



Абу-Даби тараққиёт жамғармаси Ўзбекистонга инвестиция киритмоқчи

12 марта куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида Абу-Даби тараққиёт жамғармасининг Ўзбекистон бўйича инвестицийий лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Абу-Даби тараққиёт жамғармаси вакилинг қайд этишича, мазкур лойиҳаларнинг энг биринчиси ҳамкорликда кўшма инвестиция компаниясини ташкил этишидир. Жамғарма томонидан мазкур лойиҳага 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш мўлжалланмоқда. Иккинчи лойиҳа Самарқанд шаҳри инфратузилмаси бўйича. Бунга жамғармадан 5 миллион АҚШ доллари ажратилиди. Учинчى лойиҳа ҳам Самарқанд шаҳрига боғлиқ бўлиб, жамғарма томонидан худуддаги меҳмонхоналар, савдо марказларига инвестиция киритилиши режалаштирилмоқда. Бу бўйича техник ҳисоботлар ҳам олиб борилган.



Бундан ташкири, Абу-Даби тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигига ҳам сармоя киритишни кўзда тутмоқда.

ЎзА

Товарларни нақд пулсиз сотища чакана савдо корхоналари учун белгиланган чекловлар бекор қилинди

Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгаришишлар киритилди (201-сон, 08.03.2019 й.). Бу ҳақида "Ҳуқуқий ахборот" канали маълум қилган. Киритилган ўзгаришишларга мувофиқ, юридик шахсларга ўзлари ишлаб чиқарган товарларни бошқа юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга нақд пулда сотишига рухсат берилди. Илгари ҳисоб-китоблар фақат нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкин эди.



Бунда, нақд пул воситасидаги ҳисоб-китоблар битта шартнома доирасида энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача (20 млн. 273 минг сўнгчага) миқдорда ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирги, юқорида кўрсатилган сумма доирасида эндиликда товарларни улгуржи сотиши нақд пулда ёки нақд пулсиз шаклида, шу жумладан, пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Илгари товарларнинг улгуржи савдоси фақат нақд

пулсиз ҳисоб-китоб асосида амалга оширилиши лозим эди.

Амалдаги қонунчиликка қўра, чакана савдо корхоналари товарларни нақд пулсиз сотиши мумкин, лекин бунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар корхонанинг ойлик товар айланмаси умумий ҳажмининг 10 фоизи доирасида амалга оширилиши лозим эди.

Ўзгаришишларга асосан, товарларни нақд пулсиз сотища чакана савдо корхоналари учун белгиланган мазкур чеклов бекор қилинди.

УШБУ СОНДА

НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИ
БЎЙИЧА
ДЕПАРТАМЕНТЛАР
ҚАЙТА ТАШКИЛ
ЭТИЛАДИ

КИЧИК БИЗНЕС
ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРМОҚДА

2



СИЗДАН
БИР ИШОРА
КИФОЯ...

6



8

Қисқа хабарлар

Молия вазирлигига Максим Орешкин бошлилигидаги Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2019-2024 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги,

ёқилғи ва энергетика ҳамда мұхандислик соҳаларида 54 лойиҳа бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш лойиҳалари доирасида экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш занжирларини биргалиқда оптималлаштиришини кўпайтириш марказлари тарроғини яратиш режалаштирилган.

вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўтказилган учрашувлар натижасига қўра, ҳукуматлараро комиссия доирасидаги бизнес-форумда «Агробанк» Венгрияning «Эксимбанк»ни билан 13 миллион Эвро миқдорида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришини кўзда тутивчи ўзаро ҳамкорлик келишишуга эришид.

Мазкур келишув икки то-монлама ҳамкорликни ривожлантириш ва инвестиция фаолиятини кенгайтиришга, республикамизнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қиласди.

AAGROBANK

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийтин янада ривожлантириша хорижий давлатлар билан ўзаро манфатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва шу орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида устувор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 5-6 марта кунлари Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро мажлис муносабати билан Будапешт шаҳрида ташкил этилган бизнес-форумда «Агробанк»

TRASTBANK

«Трастбанк» ХАБ ташкил топганилигининг 25 йиллиги муносабати билан акция ўтказилишини бошлади. Энди банкнинг исталган филиалига мурожаат этиби, VISA CLASSIC-Exchange халқаро виза картасини бепул очтириш мумкин. Суѓурта депозити қолдиги -

TURON BANK

"Туронбанк" АТБ Хитойнинг "Экспортимпорт Банк"и ва Россиянинг "Азия-Инвест Банк"и кредит линиялари орқали "Бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун кредитлар"ни тақлиф этмоқда.

Шунингдек, "Осиё тараққиёт банки"нинг "Ўзбекистон

10 АҚШ долларини, маблагни тезкор равишда фаоллаштириш - 40 минг сўнми, йиллик абонент тўлови эса 10 АҚШ долларини ташкил этади.

Шунингдек, ON-LINE усулда сотиб олинган хорижий валютани ёртаси куни нақдлаштириб олиш имкони ҳам бор. «Трастбанк»нинг конверсион картаси орқали банкнинг исталган хизмат кўрсатиш шоҳобчаларидан чет эл валютасини нақдлаштириш 0,2 фойзни ташкил қиласди.

Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қўйматни яратиш занжирини ривожлантириш, "Халқаро Тараққиёт ассоциацияси" (IDA) нинг "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш" ва "Халқаро Тараққиёт ва тикланиш банки"нинг "Ўзбекистон Республикасида бўғдорчилик секторини ривожлантириш" лойиҳалари доирасида ҳам кредитлар ажратмоқда.

Марказий банк Башқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/9-сонли қарорига асосан банклар зиммасига нақд пулларни бут сақланиши, уларнинг дахлислиги ва хавфсизлигини тъминлаш, банк филиаллари кассаларида мунтазам равишда тўсатдан тафтишлар ўтказиб бориш бўйича тегишли вазифалар топширилган.

Шунингдек, бугунги кунда иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар ошиб бораётгани ҳамда валюта ислоҳотлари амалга оширилганидан сўнг уларга мутаносиб равишда, банк кассаларига тушаёттан нақд пул тушумлари кескин ортиши доирасида нақд пуллар ҳажми кўпайганини тижорат банкларида пул мумомаласи ва касса ишлари сифатини янада яхшилашини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан тижорат банклари Башқарувига ўзларининг

НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИ БЎЙИЧА ДЕПАРТАМЕНТЛАР ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

республика аппаратларида алоҳида (мавжуд таркиби бўлинмани қайta ташкил этиш орқали) касса амалиётлари ва нақд пул мумомаласи бўйича департамент (бошқарма) ташкил этиш, уларнинг асосий вазифаларини қайta кўриб чиқиб, ушбу вазифаларни ўз вактида ва сифатли бажариш учун етарли мутахассислар билан бутлаш вазифалари юкланди.

Ушбу департаментнинг (бошқарма, худудий филиалда бўлим) асосий вазифалари сифатида:

– касса ишлари ва нақд пул мумомаласига доир “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларини инкасация килишига доир йўрикнома” (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июня) ва “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул мумомаласига доир ишларни ташкил



етиши тўғрисидаги йўрикнома” (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) талабларини банк филиалларида бажарилиши низорат қилиш;

– нақд пул ва қимматликларни бут сақланиши, улар билан ишлашда белгиланган қойдаларга риоя этилиши бўйича банк филиаллари бошқарувчилари, бош бухгалтерлари ва касса мудирларининг жавобгарлигини доимий ошириб бориш;

– касса ишида аниланган камчиликларни жойида бартаради этиши ва камчиликка йўл кўйган банк ходимларига

нисбатан таъсирчан чоралар кўрилиши бўйича доимий равишда банк Башқарувига маълумотлар киритиб бориш;

– банк филиалларида хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумларини топширилишини доимий мониторинг қилиб бориш, нақд пулдаги тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва банкоматларнинг узлуксиз ишлаши ва нақд пуллар билан мунтазам равишда тўлдириб борилиши устидан назоратни ўрнатиш ҳамда банк кассаларига кирим қилинган нақд пулларни филиаллар, мижозлар ва кирим манбалари бўйича доимий равишда мониторинг қилиб бориш, нақд пуллар захирасини ташкил этиши, мижозларнинг нақд пул бўлган талабларни қондириш учун банса кассаларида нақд пулларни етарли миқдорда бўлишини таъминлаш чораларини кўриш каби бир қатор муҳим вазифалар юкланди.

finance.uz

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ВА «KEB HANA BANK» ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ



SANOAT QURILISH BANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва Корея Республикасининг “KEB Hana Bank” и ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Хужжат икки мамлакат банки мижозлари ўртасида пул ўтказмаларни борасида ҳамкорлик режасини биргаликда ишлаб чиқиш ва маркетингни илгари суриш, хизматлар сифатини яхшилаш бўйича музокаралар олиб бориш, пул ўтказмалари бозори ва меъёрий ҳужжатлар юзасидан ахборот алмасиши ҳамда банкнинг тармоқ мутахассислари учун ўкув семинарларини ташкил этишига қартилган.

“KEB Hana Bank”инин Корея пул ўтказмалари бозоридаги улуши қарийб 60 фоиз ёки 3,2 млрд. долларни ташкил этади. 2018 йил ҳолатига кўра, Корея Республикасида қарийб 70 минг ўзбекистонлик мигрантлар мавжуд бўлиб, уларнинг деярли ярми меҳнат муҳожириларидир. 2018 йилда улар учун қулалийк яратиш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан АҚШ доллари ва еврова мазкур Корея банкида “Ностро” корреспондентлик ҳисоб рақамлари очилган.

“KEB Hana Bank” Ўзбекистон учун алоҳида “Востро” ҳисоб рақамларини очиши учун нархни ҳамда банкоматлар (easy

finance.uz

2018 ЙИЛНИНГ IV ЧОРАГИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИДАГИ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАРНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки томонидан 2018 йилнинг IV чораги якунлари бўйича реал сектор корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари мазкур чораг давомида мамлакатни умумий иқтисодий ҳолатнинг яхшилаши билан боғлиқ тенденцияларнинг сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Сўров давомида иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришнинг янада сўрьатларда ўсишига тўқсингик қиласётган омилларнинг сақланиб қолинаётганилиги ҳамда корхона ва ташкилотлар молиявий-иктисодий фаолиятининг айrim кўрсаткичларининг нисбатан пасайланлиги қайд этилган.

Хусусан, IV чоракда III чоракка нисбатан:

– иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муммалорнинг) сақланиб қолётганилигини мавзум қилган респондентлар улушининг ошганлиги;

– иш ўринлари сочининг ошганлигини мавзум қилган респондентлар улушининг III чоракдаги 12 фоиздан IV чоракда 15 фоизгача ошганлигини ҳамда хатарларнинг камайганлигини мавзум қилган респондентлар улушининг 51 фоиздан 42 фоизгача пасайланлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, экспорт фаолиятининг ривожланишига тўқсингик қиласётган омиллар ўрганилганда респондентлар томонидан асосан транспорт харажатларининг юкорилиги, экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мурakkabligi ҳамда ташкил бозорларда корхона маҳсулотларига талабнинг етарли эмаслиги қайд этилган.

Умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши 2018 йилнинг IV чораги мобайнида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши юзасидан олинган жавоблар, ишлаб чиқариш ҳажмлари реал ҳисобда ошган корхона ва ташкилотлар улуши III чоракдагидек 65 фоиз даражада сақланиб қолганлигини, ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайганли-

Махсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажменинг ошишига тўқсингик килаётган омиллар



гини маълум қилган респондентлар улуши эса III чоракдаги 7 фоиздан сўнгги чоракда 13 фоизгача кўйайланлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмларининг ошиши тоғ-кон саноатида ҳамда

автосаноатда корхона ва ташкилотларнинг 100 фоизида (III чоракда 100 фоизида), нефть-газ саноатида 70 фоизида (III чоракда 40 фоизида), электрэнергеттика соҳасида 80 фоизида (III чоракда 75 фоизида), кимё саноатда 79 фоизида (III чоракда 69 фоизида), тиббий хизмат соҳасида эса 63 фоизида (III чоракда 55 фоизида) кузатилган.

Шунингдек, сўровнома натижалари ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муммалорнинг) ошганлигини мавзум қилган корхона ва ташкилотлар улушининг III чоракдаги 12 фоиздан IV чоракда 15 фоизгача ошганлигини ҳамда хатарларнинг камайганлигини мавзум қилган респондентлар улушининг 51 фоиздан 42 фоизгача пасайланлигини кўрсатди.

Сўров доирасида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажменинг ошишига тўқсингик қиласётган омиллар ўрганилганда хатарларнинг юкорилигини мавзум қилган респондентлар улушининг III чоракдаги 21 фоиздан IV чоракда 27 фоизгача ҳамда бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитларни маълум қилган респондентлар улушининг 16 фоиздан 21 фоизгача ошганлигини кўрсатди.

Хусусан, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажменинг ошишига тўқсингик қиласётган омил сифатида энергия манбалари нархларининг юкорилигини маълум қилган респондентларнинг улуши III чоракдаги 21 фоиздан 27 фоизгача ҳамда бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитларни маълум қилган респондентлар улушининг 16 фоиздан 21 фоизгача ошганлигини кўрсатди.

cbu.uz

Президентимиз
Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилган ишларни ташишади 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қарақалпоғистон Республикасы ташриф бўюрган эди.

Ташриф доирасида худуд иктисадидаги ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича тизимили чора-тадбирлар, бир катор истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбик этиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланганди. Жумладан, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат Ипотека-банки Қарақалпоғистон Республикаси филиалига ҳам мухим вазифалар юкланди.

Шундан келиб чиқсан холда, филиал айни кунда худуд ривожи учун барча чора-тадбирларни кўриб келаётган. Айниқса, кам таъминланган оиласлар ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш борасидаги ишлари ётирофга лойикдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлияни Вазиригининг 2018 йил 22 февральдаги қарорига асосан кам таъминланган оиласларга, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кулаги-

ХУДУДЛАР РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА



имкониятлар яратиш мақсадида мазкур филиалга ўнта маҳалла биринчирилган бўлиб, иккى юздан ортиқ фуқарога 3 млрд. 287,5 млн. сўм кредит ажратиш белгиланди. Ўтган даврда эса 112 фуқарога жами 1 млрд. 866 млн. сўм тадбиркорлик билан шуғулланиши истагидаги 132 мижозга эса 3 млрд. 198 миллион сўм кредитлар ажратиди.

Шунингдек, шаҳарларда арzon кўп квартирали уй-жойларни куриш ва реконструкция қилиш борасида ҳам филиал томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2018 йил Қарақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри X.Абдамбетов кўчасида истиқомат қиливчи 305 хонадон эгалари ўз уйларига эга бўлдилар. Келгуси уч йилда эса жами 1 350 та хонадондан иборат 30 та уй-жой курили-

ши белгиланган бўлиб, "Ипотека-банк" томонидан 2018 йил учун режалаштирилган жами 450 хонадонли, 10 та кўп қаватли уй-жойлар курилиши молиялаштирилди.

Қолаверса, Ҳўйхали, Конлиқў ва Элликқалъа туманларида жами 218 та янгиланган арzon намунавий уй-жойларни курилиши учун бошланғич бадал маблағлари тўлиқ шакллантирилди ва инжиниринг компаниясининг маҳсус ҳисоб рақамига бўнак тариқасида ўтказиб берилди.

Шу билан бирга, Президент ва ҳукумат қарорлари асосида "Ипотека-банк" АТИБ томонидан чет эл кредит маблағларини жалб қилиш орқали республикада балиқчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида ётибор қараштилмоқда. Бу борада банк томонидан хизмат кўрсатилув-

чи "Qaraqalpaqbaliqsoatoat" масъулиятни чекланган жамияти фаолияти мухим аҳамият касб этайди.

"Ипотека-банк" АТИБ Қарақалпоғистон Республикаси филиали томонидан 2018 йилда Хитой давлат тараққиёт банки кредит линияси орқали Хитойнинг "E-LINE CO Ltd" корхонаси билан импорт шартномаси тузилиб, балиқ ва балиқ маҳсулотларини замонавий қўйта ишлаш, куриши, қадоқлаш ва музлатиб саклаш учун янги асбоб-ускуналар ва маҳсус 5 та техника Ўзбекистонга олиб келинди. Ушбу ускуналарни ўрнатиш учун янги цех курилиши давом этимоқда. 2019 йили курилиши ишлари тўлиқ яқунланиб, цех исла тушгандан сўнг 15 та янги иш ўрниняратилиди. Бундан кўзланган асосий мақсад, ишлаб чиқарилган балиқ ва балиқ маҳсулотлари (дулганган, қадоқланган филе, музлатиланган)ни ички бозорга ҳамда чет элга экспорт қилиш.

Ахолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида филиал томонидан 40 дона ISUZU SAZ HC-40 русумли ва 10 дона SAZ NP 26 русумли автобуслар сотиб олиш учун кредит маблағларни ажратиди. Бугунги кунда бу автобуслар ахолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

ЎЭА материаллари асосида тайёрланди

АЙБ БАНКОМАТДАМИ ЁКИ БАНКДА?

Бугун ижтимоий тармоқларни кузатар экансиз, турли мавзулардаги, жумладан, банкоматларга оид баҳс ва мунозараларга ҳам гувоҳ бўласиз. Undagi айрим фойдаланувчиларнинг сўзларини ўқиб қувонсанг, айримлари эса "наҳотки" дейшига мажбур қиласди. Биз "Facebook" ижтимоий тармоғидаги бъязи юртдошларимиз фикрини ҳукмнингизга ҳавола қилишини лозим топдик. "Maslahat.uz" гурухи муҳокамасида бўлган мавзу сизни ҳам қизиқтираса ажаб эмас.

Баҳридин Зайниддинов: Пластигимдаги пулни нақд қилиш учун Чилонзордаги "Атлас" савдо марказига бордим. "Азия альянс банк"нинг банкоматидан пул ечиш учун уч марта уриндим, "ошибка" деб пластигимни чиқариб юбораверди. Кейин "Ипак Йўли банки"нинг банкоматига солдим, у ҳам иш бермади, камига пластигимни банкомат ичидаги қолиб кетди. Эртасига "Ипак Йўли банки"га бориб пластигимни олдим. Қолдиқни текширсан, 1 млн. сўм кам! Пластикни берган банкка бордим, "Азия альянс банк" 1 млн. сўм ечиб олганини тасдиқлаб беришиди.

Сўраб-суршириб, "Ашҳабод" паркининг ёнидаги бош оғисига бордим, навбатда турниб мутахассисга кирдим. Қайси банкоматлигини айтдим, банкнинг Чилонзор филиалига юборди. У ерга борсам, банкоматни Шайхонтохур туман филиали ўрнаганини, ўша ёкка боришимни айтишди. Мазкур филиалга бориб, ариза ёздим. Уч иш кунида текшириб қитаралариз, дейшиди. Мендан оддин ҳам бир аёл шу масалада кирдига, асабийлашиб турган экан.

Хуллас, банк мутахассислари текширишгач, ҳақиқатда пул олмаганин тасдиқланган. Пулини бугун пластигимга ташлаб беришиди.

Билишимча, бу банкнинг айби эмас экан. Пул терминаллари, пластик карточкалар, клик... каби барча электрон хизматларни амалга оширадиган ташкилотнинг операцион тизимида шунақа техник нуқсон тез-тез учраб туриди экан. Бу ташкилот Ўзбекистонда ягона экан.

Хуллас монополия!

Вақтимни кетказиб, уч кун банка-банка овора бўйли юргурганим, навбатда сарғайиб турганларим учун ҳеч ким жавоб бермас экан!

Пулни ечишда хушёр бўлинглар!

Тоҳир Абдуллаев: "ЕОПЦ" деган ташкилот бор. Барча транзакциялар улар орқали ўтади, шунака техник хатолар бўйиди. Монополияга келсак, ҳозирда унга рақобатчи чиқиб қолиши аниқ бўйли ултурди. Миллий тўлов тизими бўлган "ҲУМО" монополияга бархам берини кутиммоқда.

Alexandro De Velasges: Банкомат кўп бўлса ҳам қийин экан-ку! Мана бугун мен 233-навбат билан банкоматдан пул очиладим. Ўзи шахримизда бор йўги 3-4 жойда бор. Одамлар ҳам ойлик тушиши билан "урра-урра" банкоматга чопишиди. Банкларда пул қолмайди банкоматта соглани.

Умму Ясмин: Яқинда биз ҳам шу муаммога дуч келдик. Дадам кўёвларига пластикларини бергандилар, пул қилиб берсиз, деб. Ҳўйханим иккита банкоматдан пул ечиб, олиб келиб бердилар. 10 млн. сўмдан 1 миллион ўз-ўзидан йўқ. Бу ёқда дадам кўёвдан сўрашга хижолат, бу ёқда эримга айтишам, улар уйимдагилардан хижолат...

2-3 кунда ҳал қилдиларми, ё чўнтақларидан тўладиларми, ишқилиб қолган пулни ҳам бердилар. Лекин иккичин芒га бунақа ишларини айтишмасин, орамиз бузилмасин, дедилар.

Шавкат Жумаев: Иккى йил аввал 20-25 фойзга нақд қилишга ҳамма рози

эди. Бугун эса банкоматлар ишлаб, ҳамма пулини нақд қилиб олиш имкониятига эга бўлди. Битта-яримта хато бўлади-ди, энди. Ҳаммада эмас-ку. Кўпчилик Ҳудога шукур, деб нақд қилиб оляптикли. Банкомат ҳам техника. Носозлик бўлиши мумкин. Ношукур бўлмайлик...

Баҳридин Зайниддинов: Шавкат Жумаев, мен бир фойздан ошиқа нақд қилимагманман, нега энди ўзимни ойлик пешона теримни кимнингдир хатоси учун 100 минг сўм сарфлаб қайтариб олишим керак! Мен ишхонада озигина хато қиласам, ойлигимни қиркишади. Сизни пулингиз кўлдир, аммо менга 100 минг сўм ҳам кatta пул.

Эркин Утанов: Банкомат Ангрен шаҳрида 5 фойз олиб қолади, шу тўғримкан, бошқа шаҳарларда ҳам шундайми?

Зуҳра Ниғматуллаева: Нимага факат бизда шунақа, сарсон-саргардон бўлавермасиз. Дубайдо картам блокка тушиб қолди, банкка телефон қилдим, уч дақиқада ишим ҳал бўлди.

АЗизбек Нишонов: Лекин ўзгаришлар бор-ку, бундан атига 2-3 йил олдин виляятларда пластик картани пул қилиш 25-30 % гача чиқди, яна илтинослар, сарғайишлар, кутишлар 2-3 кун... Ҳозир эса банкоматлар ўрнатилипти, Ҳудо ҳоҳласа, сиз айтган муаммалар ҳам бартараф этилади.

Эсимда, 2015 йил нақд пул жудаям зарур бўлди, банклар йўқ деди, банкомат йўқ, 25 % га, яни 1 млн. пулдан 250 минг олиб қолиб, нақд пул қилдирганим, уни ҳам иккি кунда...

Ушбу фикрларни ёршишдан мақсад ҳудудларда ўрнатилган банкоматлар қандай ишләтганлиги тўврисида айтишни ёршишдан фикрларга аниқлик кириши.

Агар сиз истиқомат қилаётган шаҳарда ёки туманда ўрнатилган банкоматларда ҳам юқоридаги каби салбий ҳолатлар юз берадиган бўлса, бизга ёзиб юборинг. Мактубларинизни кутиб қоламиз.

Таҳририят.

РЕЙТИНГ

Тижорат банклари мессенжердан қайд даражада фойдаланмоқда?

Республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банкларининг расмий телеграм каналлари 2019 йил 10 марта кунги ҳолат бўйича таҳлил килинди.

Рўйхат телеграм тармоғида бор расмий каналлар аъзоларининг сонига қараб тузилди.

1. "Ипак Йўли банк" – 12,5 минг
2. "Саноаткурилишбанк" – 12,2 минг
3. "Hamkorbank" – 9,0 минг
4. "Капиталбанк" – 8,4 минг
5. "Агробанк" – 4,9 минг
6. "Асакабанк" – 4,8 минг
7. "Алоқабанк" – 4,2 минг
8. "Кишлоқ курилиш банк" – 3,5 минг
9. "ASIA ALLIANCE BANK" – 3,5 минг
10. "Ипотека – банк" – 3,3 минг
11. "Invest Finance Bank" – 3,0 минг
12. "Ўзмиллийбанк" – 1,6 минг
13. "Туронбанк" – 1,1 минг
14. "Ориент Финанс банк" – 0,9 минг
15. "Трастбанк" – 0,8 минг
16. "Туркистанбанк" – 0,5 минг
17. "Давр – банк" – 0,4 минг
18. "Микрокредитбанк" – 0,5 минг
19. "Савдогарбанк" – 0,3 минг
20. "Халқ банки" – 0,5 минг
21. "Ravnaq – bank" – 0,1 минг
22. "Ziraat Bank Uzbekistan" – 0,1 минг
23. "HI-TECH BANK" – 0,1 минг
24. "Мадад Инвест Банк" – 0,05 минг

Тижорат банклари телеграм мессенжеридан оқилона фойдаланиши билан мижозларга янада тез ва сифатли хизматларини кафолатлади.

Ҳозиринга кунда тижорат банклари телеграм каналларида битта асосий камчилик бор. У ҳам бўлса, банк мижозларни телеграм каналлари орқали боғланниб саволларига жавоб олмаяптилар.

Хурматли тижорат банклари телеграм каналлари юритувчилари, канал бош менюсида мижозларга саволларига жавоб бериш учун userpage ёки ботларингизни жойлаш билан янада мижозларга қуайлик яратган бўлар эдингиз!

Банк ва Кредитлар канали



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ “СУВ ОҚАВА” ДУК ЖАМОАСИ

Азиз юртдошлар!

**Юртимизга энг гүзал ва азиз байрам –
Наврӯзи олам ташриф буюрмокда.**

**Биз мамлакатимиз аҳлини баҳор айёми билан самимий
қутлаймиз. Ўзбекистонимиздан тинчлик-фаровонлик,
дастурхонларимиздан тўкин-сочинлик аримасин!**



Аукцион савдоларида
миллий валютадаги
давлат қимматли
қоғозларини
жойлаштириш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Марказий
банк 2019 йил 19 март куни
“Ўзбекистон республика валюта
биржаси” акциядорлик жами-
яти (ЎзРВБ)нинг савдо тизими-
да давлат қимматли қоғозлар
(ДҚҚ)ни қўйидаги шартлар
асосида бирламчи жойлаштири-
лишини эълон қиласди.

Жойлаштириш усули: ЎзРВБ
савдо тизимида аукцион орқали
очик сотув.

Эмитент – Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги.

Аукционда жойлаштирилади-
ган ДҚҚ реквизитлари:

- ДҚҚ тури: ўрта муддатли об-
лигациялар;
- идентификацион рақам:
24006UMFS;
- бир дона облигациянинг но-
минал қиймати: 1 000 000 (бир
миллион) сўм;
- жойлаштириш санаси: 2019
йил 19 март;
- чиқарилиш ҳажми: 80 000 000
000 (саксон миллиард) сўм;
- муомала даври: 365 кун;
- облигацияларнинг сўндириши
санаси: 2020 йил 18 март;
- қатъий белгиланган фоизли
даромад ставкаси: йиллик 15%;
- фоизли даромад тўланиш дав-
ри: 3 ой.

Фоизли даромад тўланиш сана-
лари:

- биринчи давр: 2019 йил 18
июнь;
- иккинчи давр: 2019 йил 17
сентябрь;
- учинчи давр: 2019 йил 17 де-
кабрь;
- тўртинчи давр: 2020 йил 18
март.

Аукцион ўтказиш шартлари:
• аризаларни қабул қилиш
вақти: 09:00 – 11:30;
• аризаларни қондириш вақти:
15:00 – 16:00;
• тўлов валютаси: сўм;
• битимлар қийматини яхлит-
лаш: математик яхлитлаш усули
билин вергулдан кейин иккита
белгигача.

cbu.uz



AGROBANK

Агробанк Баҳор байрамлари
муносабати билан янги муддатли
омонат турини таклиф этади!

“Баҳор – 2019”

миллий валютадаги омонати:

Муддати – 13 ой;

Фоиз ставкаси йиллик – 21 фоизгача;

Минимал талаб – 1 000 000 сўм.

Шошилинг, омонатга маблағлар

жорий йилнинг 31 март кунига қадар қабул қилинади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!



/AgrobankChannel



/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олни



Download on the



GET IT ON

www.agrobank.uz

тел. (+99871) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

ТАДБИР

АЁЛНИ УЛУҒЛАШ – ОИЛАНИ, ВАТАНИИ УЛУҒЛАШ ДЕМАК

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги инсти-
тиду «8 марта – Халқаро хотин-қизлар куни» байрамига
багишланган «Аёл борки – олам мунаввар» номли мада-
ний-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Институт бош-
лиги, юридик фанлари док-
тори Нуридин Норматов
очиб, буғунги кунда мамла-
катимизда хотин-қизларнинг
жамиятдаги нуғузини оши-
риш, қонуний ҳуқуқ ва ман-
фаатларини таъминлаш, са-
ломатлигини мустаҳкамлаш,
оила, оналик ва болалики
химоя қилиш масалалари дав-
лат сиёсатининг устувор йўна-
лишларидан бири сифатида
белгиланиб, бу борада кенг

кўлмали ишлар амалга оши-
рилаётгандигини таъкидлadi.

Жумладан, муҳтарам Прези-
дентимиз Шавкат Мирзи-
евининг 2018 йил 2 февралда
«Хотин-қизларни кўйлаб-кув-
ватлаш ва оила институтини
мустаҳкамлаш соҳасидаги
фаолиятни тубдан такомил-
лаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Фармонида
аёлларнинг ижтимой-сиё-
сий фаолигини кучайтириш,
қонуний манфаатларини таъ-

минлаш, қобилият ва салоҳи-
ятини рўёбга чиқариш, оила
институтини мустаҳкамлаш,
оналиқ ва болалики химоя
қилишга қаратилган кўйлаб
чора-тадбирлар белгиланган-
лигини эътироф этди.

Шунингдек, байрам муно-
сабати билан ушбу даргоҳда
узоқ йиллар самарали меҳнат
фаолиятлари билан ёш ав-
лодга таълим-тарбия бер-
ган мўътабар опа-сингиллар
ҳамда профессор-ўқитувчи-
ларнинг турмуш ўртоқлари
иштироки ҳам даврага алоҳи-
да шукух бахшида этаётган-
лигини таъкидлаб, барча аёл-
ларни байрам билан самимий
табрикли.

Тадбир давомида қатна-
шчилар билан «Аёл – бу...»,
«Тажрибали ошпаз» ҳамда

ходимлар ва уларнинг тур-
муш ўртоқлари иштирокида
«Қизиқарли дубляж» ном-
ли танловлар уюштирилди.
Унда экранда намойиш этил-
ган миллий кинофильмлари-
миз – «Шум бола», «Суюнчи»,
«Утрашув» ва «Махаллада
дув-дув гап» фильмларидағи
қаҳрамонларга овоз бериш,
эпизодларидан ижро этиш
орқали ўз қобилиятларини
синаб кўриш билан бирга
турли қизиқарли савол – жа-
воблар тарзидаги байрамона
тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари-
да Ички ишлар вазирлигига
нинг Ашула ва рагс ансамбл-
ли аъзолари ҳамда Институт
«Маънавият ва маърифат»
маркази хузуридаги бадиий
хаваскорлик тўгараги аъзо-

лари, Сирғали туманидаги
2 ва 284-сонли умумтаълим
мактаблари ўкувчилари жа-
моаси ижросидаги меҳрибон
онажонларимизни тараннум
этувчи шеърлар, дил тортар
куй-кушилари илик таассу-
рот қолдири.

Маънавий-маърифий тад-
бир якунидаги Институтнинг
аёл ходимлари ҳамда ушбу
даргоҳда узоқ йиллар мобай-
нида самарали меҳнат қилган
ва буғунги кунда нафақада
бўлган фахрий ходималар
рағбатлантирилди.

Фарҳоджон КОЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги
институти ўқитувчиси,
капитан,
Муродилла ОДИЛОВ,
Кадрлар бошқармаси
инспектори, лейтенант


Кичик бизнес экспорт салоҳиятини оширмоқда

Ўтган йили Жиззах вилоятида 2 минг 319 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 11 минг 840 тага етди.

Бугунги кунда уларнинг 11197 таси (94,5 фоизи) фаолият кўрсатадиган бўлса, қолган 648 таси хомаше ресурслари етишмаслиги, хисобрақамида айланма маблағи йўклиги ва кредит олишидаги муммомлар сабаб фаолият юритмалоғи. Бироқ шунга қарамасдан, 2018 йили вилоятда кичик бизнеснинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 84,3 фоизга этиб, кичик бизнес соҳасида 16 минг 46 та янги иш ўринлари яратилди. Бу йўналиши молиявий кўллаб-куватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 535,6 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада ўтган йили кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот экспорти 63615,2 минг АҚШ долларини ташкил этиб, вилоят умумий экспортининг 89,6 фоизини ташкил этди.

Вилоятнинг иктисодий равнанига ўз хиссасини кўшаётган тадбиркорлик субъектларидан биро Зомин туманидаги "Зомин асл илак толаси" МЧЖ корхонаси. У Хитой технологияси асосида йилига 420 тонна хом ва 140 тонна куруқ пиллани қайта ишлашга мўлжалланган. Айни пайтда корхонада кумуш толадан илак, илак момиги, струна олинини, Хитойга экспорт қилиноқда.

— Корхонамизни янада кенгайтириш мақсадида жорий йилда гилам ва адрес мато ишлаб чиқаришини режалаштирганимиз, — дейди жамият раиси Қиличбой



Наҳалов. — Шу мақсадда Хитойдан иккита тикув дастгохи келтирилди. 110 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонамизда янги цех фойдаланишига топширилгач, яна 50 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш ниятидамиз.

Зарбдор туманидаги "Зарбдор парранда" масъулияти чекланган жамияти ҳам юртимизда тадбиркорлар учун яратилётган имконияту имтиёзлардан оқилона фойдаланмоқда. Парҳезбон гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона 2017 йили 2 милиард сўм кредит эвазига иш бошлаб, 14 кишини иш билан таъминлади. Айни пайтда жамият аъзолари аҳоли дастурхонига ойига 45 тонна парранда гўштини етказиб берадиган.

— Маҳсулотнинг бир қисмини туман марказидаги шоҳобчамизда сотишни йўлга кўйғанмиз, — дейди корхона иш юритувчиси Шамсиддин Тошбоев. — Айни пайтда ишчи кучи ва маҳсулотни кўпайтириш устида иш олиб боряпмиз. Яна 30 минг дона бройлер жўжа парваришлаш учун кўшимча жой ҳозирляпмиз. Бу 40 та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Шунингдек, вилоятда тадбиркор аёллар сафи ҳам кенгайб бормоқда. Жумладан, ўтган йили тижорат банклари томонидан 1500 нафардан зиёд тадбиркор

аёлларга 83 млрд. сўм кредит маблағлари берилди ҳамда жиззах вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташибуси билан 80 та кичик цехлар ташкил этилиб, минг яқин ёшларнинг бандлиги таъминланди. Жорий йилда ҳам тадбиркорлик билан шуғуланиш истагида бўлган аёлларга Хотин-қизларни ва оиласи кўллаб-куватлаш жамоат фонди маблағлари хисобдан 6,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда вилоятнинг энг олис қишлоқларида ҳам гузаллик салонлари, тикувчилик цехлари ташкил этилмоқда. Кечагина коллежни тамомлаган қизлар бугун тадбиркор, хунарманд сифатида мустақил равишида ўз ишини бошлашга бел боғлаган.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Мирзачўл тумани Гагарин шаҳрида олиб борилган бунёд



корлик ишлари натижасида ҳудудда ишга топширилган “Мирзачўл тикувчилик мажмусаси” ҳам ана шундай тинимсиз саъ-ҳарақатларнинг, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашнинг ёрқин мисоли, аслида. Биргина мазкур мажмуәнинг ишга топширилиши натижасида вилоятдаги 500 нафардан зиёд хотин-қиз ишли бўлиб, оиласи бюджетига ўз хиссасини кўшиш баҳтига мусясар бўлди.

**Жиззах вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати**

Эндилиқда имтиёзли кредитлар Оилавий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш марказлари хulosasi асосида ажратилади



Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарори (ПҚ-4231, 07.03.2019 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофик “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида:

— назарда тутилган лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда ҳалқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари хисобидан амалга оширилайди;

— имтиёзли кредитлар аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

“Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz” ва бошқа шу каби мақсадли дастурлар асосида аҳолига имтиёзли кредитлар эндилиқда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш марказлари хulosasi асосида ажратилади.

Белгиланишича, бунда дастлаб шартнома асосида лойиҳа эгаси (кредит олуви) га маҳсулотлар (масалан, қорамол) етказиб берилади, лойиҳа эгаси (кредит олуви) етказиб берилган маҳсулотдан қаноатланиш ҳосил қилгандан сўнг тегиши маблағлар банк томонидан маҳсулот етказиб берувчининг хисобрақамига ўтказиб берилади.


**Аддия вазирлигининг
“Хукукий ахборот” канали**

Замон билан бўйлашиш шарти

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиб, илдам одимлаётган ишибилармонлар сони кун сайнин ортоқмоқда. Ана шундай инсонлардан биро “UNIQUE AGE” МЧЖ таъсисчиси Нодир Ҳасановидир. У 5-б ўйларки, ултуржи маҳсулотлар савдоси билан шуғулланиб, ўз бизнесини янада кенгайтириб бормоқда.

— 20 ўйларки, тадбиркорлик билан шуғулланиб келляпман. Дастрлаб дўйон очиб, чакана савдо орқали соҳанинг паст-баландини ўргандим, — дейди тадбиркор. — Бугунги кунда эса ултуржи маҳсулотлар савдоси билан машғулмиз. Корхонамиз энди иш бошлаган кезлари бюджет ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга фақат 5-6 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берган бўлсан, яни кунда 130 турдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беряпмиз. Бу товарларнинг аксари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва МДХ давлатларидан харид қилинмоқда.

Тадбиркор билан суҳбатла-



шар эканмиз, бугунги кунда уни ўйлантириб турган масалалар ҳақида ҳам билишга қизиқдик.

— Албатта, сўнгги йилларда тадбиркорларга катта имкониятлар, кулагай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бундан жуда мамнунмиз. Айниқса, охирги 2-3 йилдаги йирик ислоҳотлар натижасида тадбиркорликка тўсиқ бўлиб турган кўллаб муммомлар ўз ечимини топди. Биргина валиюта бозорини эркинлаштириш борасидаги саъ-ҳарақатларнинг ўзи қатор муаммоларимизни ҳал этди. Бироқ килиниши лозим бўлган ишлар ҳали бисёр.

Биринчи навбатда, барча соҳаларга АҚТларни кенг жорий этиш ва интернет тармоғида ортишимизнинг барча ташкилоту идоралари ҳақида

маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда уларнинг веб-сайтлари фаолиятини жонлантириш зарур.

Чунки бу замон талаби. Бир ўйлаб кўринг, хорижлик инвестор ёки бирор ишлаб чиқарувчи ички бозоримиз, мамлакатимиз ҳақида қаердан маълумот олади. Албатта, интернетдан. Божхона ёки солик тўловлари тартиб-коидаларини билиш учун ҳам интернетга мурожаат қиласди. Афсуски, бу борада бизда етарли маълумотлар интернетга жойланмаган. Оддий бир мисол, биз хорижлик ишлаб чиқарувчиларга маҳсулот буюртма қилсан, уларнинг аксари товарни Қозогистон, яъни юртимиз чегарасигача олиб келиб беришини айтади. Сабабини сўрганимизда эса

улар биздаги божхона хизмати тўловлари ҳақида маълумот топа олишмаганини таъкидлайди. Қолаверса, чет элдан бирор маҳсулот олмокчи бўлсан, юртимизга кириб келишинарни билиш учун бир неча кун ахборот тўлашга тўрти келади. Агар шу ишни кўшини давлатларда амалга оширилмоқчи бўлсангиз, йигирма дақиқагина вақт сарфлайсиз. Афсуски, давлат ташкилотлари ахборотлар билан ишлаш, уларни тадбиркор ва инвесторларга тақдим этиш борасида ҳали кўп тер тўкишига тўрти келади.

Яна бир муҳим масала — бу барча тизимларга сўнгги технологияларни жорий қилишдир. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасига. Чунки жаҳонда кўл меҳнатидан фойдаланиш боргани сари қисқарип бормоқда. Барча юмушларни техника баҳаряпти. Мисол учун, йирик, бир неча гечтарлик иссиқхоналарда бор йўғи тўрт-беш киши ишлайди. Бундай қулайлик маҳсулотлар танҳархни янада арzon тушади. Уларга техник хизмат кўрсатиш ҳам кулаг бўлади.

Яна бир оғрикли нуқтамиз — бу кадрлар масаласи. Чунки XXI техника сариди бирор техника ёки компьютерни қандай ишлашини билмайдиган ёшларимиз кўплаб топилади. Бир ўйлаб кўринг, кўчада қандан-қандан ёшлар ишлаб излаб юриди. Кўлидан факат кетмон чопишу Қурилишда ишлаш келади, холос. Агар уларнинг кеч бўлмагандан компьютер саводхонлигини оширасек, қандан-қанчаси ишли бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик сўзларида жон бор. Чунки бу гун шиддат билан тараққий этиб бораётган замонда, унга ҳамнафас бўлишнинг ягона шарти ҳам сўнгги технологияларни билиш ва уни ҳаётга татбик этишидир. Шундай экан тадбиркорнинг муҳим фикрлари тегиши ташкилотлар томонидан инобатга олинади, деган умиддамиз.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бой бўлиш сирларини биласизми?



Америкалик психолог олим Харв Экер бой бўлиш нимага боғлиқ экани бўйича қатор тадқиқот ва сўровлар ўтказди. Натижада у инсоннинг бой ёки камбағал бўлиши унинг меҳнати, вилағимга эмас, фикрлашига боғлиқ эканини исботлади.

Психологнинг фикрича, агар дунё ахлининг барча бойлиги тортиб олиниб, бутун ахолига қайта тақсимланганда ҳам, аввалги бойлар бойлигича, камбағаллар яна камбағаллигича қоларди. Сабаби, бойважчалар каби фикрлаш инсонни бой қиласди, камбағал каби фикрлаш эса инсонни камбағал қиласди, дейди олим. Юқоридаги фикр қанчалик тўғри ё нотўғри эканлигини эса айни пайтда дунёга машҳур, "Форбес" журналидан ўрин олган миллиардерларнинг ҳаёт тажрибаси мисолида кўрсан.

1977 йилда дастурий таъминотларни ишлаб чиқаришга ихтиослаштирилган "Oracle" компанияси асос соглан Ларри Эллисоннинг айтишича, мазкур компанияни ташкил этишдан асосини максади даромад олиш эмас, ўзи завълнанд ишлайдиган муҳитни яратиш бўлган. Албатта, у яшаш учун пул топишга ҳаракат қилган, лекин қачондир бойиб кетишини ўйламаган ва кутмаган. Шунингдек, унинг бундай муваффақияти еришишига асосий сабаб Ларри бирорларнинг фикрига эмас, доим ўз мустақил қарашига таянган. Ҳатто соҳа мутахассисларининг фикринида, тўғри деб қабул қиласмил керак, дейди у. Айни пайтда у 58,5 млрд. долларлик бойлитика эга.

1940 йилда асос солинган ва айни пайтда нефть ишлаб чиқариш, кувурларни куриш, қозоз сочиқ ва чашка каби бир неча маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи "Koch Industries" миллий корпорациясининг ҳозирги даромади компания эгалари бўлмиш иккни ака-уқани дунёдаги энг бой ўн киши сафиға киритди. Мазкур компания раҳбарларидан бири Девид Коҳ тадбиркорларни доим бўшамасликка давват этиб шундай дейди: "Биз кўп пул յифик ва бу йўлда кўплаб одамларни сафарбар этдик, бироқ ютқаздик. Аммо биз мана шу давр ичидан нима учун ишлаш, нима учун ишламаслик кераклигини ўрганик ва барини қайтадан бошладик."

Д. Коҳнинг акаси Чарлс Коҳ эса "Одамлар қачонки бошқаларнинг ҳаётини яхшилашга эришсалар, ўшандагина фойда олиши бошлайдилар", деган фикрда. Бугунги кунда ака-уқанинг жами бойлиги 60 млрд. долларни ташкил этмоқда.

Мексикалик бой Карлос Слим Элу (бойлиги 67,1 млрд. доллар) бўлса, муваффақият ва энг оғир даврларда баркарорлик гарови сифатида вақтдан тўғри фойдаланишни таъкидлайди. Унинг фикрича, энг яхши дамлар учун ҳам вақтни қизғанган маъқул. Қашшоқлик ва муаммолар эса ўсиш учун истиқболли муҳитни яратади, деб ҳисоблауди. Шунингдек, К.Слим "Кўччилик фарзандларига яхши бўлиши учун дунёнинг ўзгаришини истайди. Мен эса дунёни янада яхшилашлари учун фарзандларимни ўзгаришишга ҳаракат қиласман", дега кўп бора таъкидлайди.

"Zara" акцияларининг пасайши ва 1,3 млрд. долларини йўқотишига қарамай, Амансио Орtega (бойлиги 70 млрд. доллар) ҳамон дунёдаги бой инсонлар рўйхатида турибди. Унинг фикрича, одамлар газетада уч маротаба — туғилганидан кейин, никоҳидан кейин ва ўлганидан кейин нашр этилиши керак. А. Орtega яна шуни таъкидлайди, йиллар давомида тўпланган тажриба бу етакчиликнинг кафолати эмас. Аксинча, доимо янада яхшилашни учун саъй-ҳаракатда бўлиш лозим.

Дунё бўйича оммабон бўлган ижтимоий тармоқлардан бири "Facebook"нинг асосчиси Марк Цукерберг (бойлиги 71 млрд. доллар) эса куйидагича фикрни билдиригандан: "Биз пул ишлаб топиш учун хизматларни яратмаймиз ва бунинг учун ишламаймиз. Аксинча, янада яхшироқ, хизматларни яратиш ва оммaga таклиф этиш учун ишлаймиз."

АҚШда фермерлар қарздорлиги 30 йил ичидан рекорд даражада янгиланди, дега хабар бермоқда "Риа Новости" нашири. Америкалик дехқонлар қатор қийинчиликларга дуч келмоқда — қарз юки кўрсаткичлари 1980 йилги аграр инқироз билан таққосланмоқда, банкротлик сони кўпаймоқда, бизнес рентабиллиги эса тушмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида АҚШнинг Ўрта Фарб минтақасидаги 84 та фермер хўжалиги банкротлик аризасини топширган. Бу 2007 йилдан бери кузатилган энг юқори кўрсаткичидир.


АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Сонни Пердюонинг айтишича, фермерлар бундай қийин ахволга

Савдо уруши қурбонлари

ва АҚШ ўртасидаги савдо уруши оқибатида янада ортмоқда.

Маълум бўлишича, ўтган 5 йил ичидан фермерлар қарзининг кескин ўсиши кузатилган. 2013 йилдан бўён у 30 %га, 315 млрд. доллардан 409 млрд. долларга ошган. Ўтган йили эса қарз юки 385 млрд. доллардан 80 йиллардаги даражага етган.

Мутахассисларнинг фикрича, америкалик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилиги қарзларини тўлашга қодир эмас. Уларнинг ярмидан кўп йилни йўқотишлар билан, қолганларни нол ёки умуман жуда паст даражада билан ёпмоқдалар.



1980 йилларнинг аграр инқироз даврига ўхшаш қарз юки сабаб тушмоқдалар. Қарз юки эса Хитой

Марказий Осиёнинг энг бой одами

«Forbes» журналинг сўнгги рейтингига кўра, Қозоғистоннинг «KAZ Minerals» компанияси акциядори Владимир Ким Марказий Осиёнинг энг бой одамига айланди.

Журнал Кимнинг бойлигини 4,5 миллиард доллара баҳолаб, дунё бойлари ўртасида 424-урин, Марказий Осиё ва Қозоғистонданда эса биринчи ўринга лойик кўрган.

Владимир Ким 90-йилларда АҚШда техника фанлари номзоди, бизнес ва маъмурий бошқарув бўйича фалсафа доктори илмий дарражаларини олган.

Қозоғистоннинг "Жезказганцветмет" компаниясида ишлаган.

2005 йилда рангли ва қиммат баҳо металлар қазиб чиқариши ҳамда қайта ишлаш билан шуғулланувчи "Казахмыс" компанияси раҳбари этиб тайинлангач, компания Лондон фонд биржасига қишиб, катта муваффақият қозондан. 2014 йилда компания "KAZ Minerals" номи билан қайта аталаған.

В. Ким 2013 йилда компания директорлар кенгаши раислигидан истеъфога чиқкан, лекин асосий акциядор сифатида қолган.

лишини ортга сурган ва хоҳлаётган ўйинчоғини истаклар рўйхатидаги киритиш тақлифини билдиригандан маъқул. Бунинг учун олишини истаган ўйинчоғи расмими чизинг, номи ва нархини ёзib, кўзга кўринарли ерга, жавоними, музлатиги эшигигами ёпишиштириб кўйинг. Ой охирида эса пулингизга қараб, истаклар рўйхатидаги бирор ўйинчоғни харид қилиш мумкинligини айтинг.



Бунда бола ҳар бир харид устида бош қотиришни, молиявий имкониятларни ҳисобга олишганади.

Устунликлар бўйича истаклар ажратиши

Болаларда истаклар доим ўзгариб туради. Бугун у нарсани ҳоҳлаётди, эртага бошқасини. Агар истаклар рўйхати кўпайиб кетса, сиз уларни устунликлари бўйича тартиблаштириши тақлиф этинг. Фарзандингиз ҳозир сотиб олишини ҳоҳлаётгандарини бир ранга, кейинроқ олмоқчи бўлаётгандарини бошқа ранга белгилашини сўранг. Агар олмоқчи бўлаётгандарини бир ранга белгилашини сўранг. Агар олмоқчи бўлаётгандарини бошқа ранга белгилашини сўранг.

Бу усул болада режалаштириш кўнчималарини ривожлантириб, келажақдаги харидлар ҳақида фикр юритишини таъминлайди.


ТАНЛОВГА



Шукрят ОРИФ

Бир марта...

Бир марта кўзимиз бўлди рўбарў -
Фасллар чалкашиби, ақлдан озди.
Гўёки ҳайитлик олган боладек
Булатлар ўзини йўқотаёди.
Ноғаҳон тириклик исини тайдим,
Умрим - лаҳзаларнинг кўлида қарта.
Юлдузлар суюнчи олади Аршдан,
Мени ўйласангиз агар бир марта.
Тоғлар термулади чордана куриб,
Уларнинг тақдира боғлиқидир сизга.
Минг йилга узайди дунёнинг умри,
Бир марта севаман деганингига.
Уммонлар чайқалиб ўқиши тақбир,
Минг йилда тангрининг бир кўнгли тўлди.
Олинг, шу дунёни мен сизга бердим,
Лабингиз бир марта энтикса бўлди...



Сиздан бир ишора кифоя,
Рӯҳим тазарруга шайланар.
Дунёсини кўмаман ишқа -
Бу дунё дунёга айланар.
Сиздан бир ишора кифоя,
Тошлар висол истаб гуллайди.
Йиртиқ чондондаги бу очун
Ўзидан уялиб кулади...
Сиздан бир ишора кифоя,
Тоғлар елка тутиб тизилар.
Кўзингизга термулиб ўтсам,
Минг йиллик ёлғонлар сизилар.
Сиздан бир ишора кифоя,
Юлдузлар айтади саловат.
Шамолга кулгудир ўйларим,
Беринг бир лаҳзалик ҳаловат!
Сочингизга унсиз кўмилай,
Сўнгакларим айтсингиз оят.
Асрар қолайинми дунёни -
Сиздан бир ишора кифоя...

Бир кун...

Бир кун бу боғларга фусун қайтарму,
Матонат топарму яна гуллашга!
Ахир бу гулларнинг атрини истаб
Тангри бандасига кўнгил улашган.

Сиздан бир ишора кифоя...

Эркка етаришкан бир кун бу тоғлар,
Тилга кирадими сукутдан толиб!
Кўзларидан сизиб чиқолмаган қон
Бўғзидан отилар вулқон мисоли...
Дарёлар бир куни йигидан тўхтаб,
Чопиб чиқадими ўзанларидан?!
Сархоларга сингиб кетавердилар -
Ишорани кутиб само қаъридан...
Бир кун бу булатлар топиб ҳаловат,
Дўлпиниси очиб, қаҳ-қаҳ уарми?!
Улар Аршга йўлни тополмадилар,
Ахир гуноҳи йўқ эди уларни...
Бир кун ғалати туш кўриб дунё,
Улоқтириб кўхна занжирларини,
Қизик, қай манзилга чолиб бораракан,
Кимга айтар экан бу сирларини...
Бир кун аригайми кўзимдаги мунг,
Бир кун пичирлашдан тинарми бу лаб!?

Тошлок, боғларида энтишиш туйдим,
Деворга суняни турар шотутлар.
Ялмоғиз дунёнинг энг гўзл қизи
Ҳар куни ясанни онамни кутар...
Боладек ортимдан эргашади кун,
Қанисан ўзимга олиб бора из.
Шамолдек дайдиман ўйларингизда,
Тақдири сочидек жингалак Наргиз.
Замин юрагимга боғлаб кўйилган,
Юлдузлар - тангрига етмаган хатим.
Дунёни енгаман, лекин қизимга
Исмингни кўйишга етмас журъатим...
Тугаб бораяпман ипак қуртидек,
Оҳ, ишкэ айланиш қанчалар хузур!
Зикр тушиди қовурғаларим:
Маҳшаргача энди сўраймиз узр...
Умрим - лаҳзаларнинг кўлида тасбех,
Сизни бир кўйидириб, ўзим минг кўйидим.
Мен-ку эсламасдим... рости... шунчаки,
Тошлок боғларида энтишиш туйдим...

Шунчаки...

Шунчаки кўзларим очилди -
Бир лойка дарёга қўшилдим.
Билмасам ўтадим хузурда,
Афуски, ҳаммасин билдим...
Шунчаки жилмайб туриман,
Ичимда минг йиллик довуллар.
Аршга термулганча илжақ жон,
Шовуллар, шовуллар, шовуллар...
Юзини яширап мендан ой,
Қуёш ҳам ингранади шоша.
Бошини чайқайди булатлар;
Ҳаммаси томоша, томоша...
Шунчаки туриди кўлда май,
Ўлий бораар миллионта хис.
Қани чалмайсизми ногора,
Бир ўйнаб бераман қўрасиз...
Илтило қиласаман тангрига,
Нега дунёйнингда мен дайди?
Шунчаки айлантири фалакни,
Шунчаки муҳаббат... бўлмайди!
Ҳар кеча йўлумига интиқ ёр,
Ёнингга бораман шунчаки.
Фақат кўзларимга тикилма,
Хўнграб юбораман шунчаки...

Манзара

Япроқлар шивирлар - саволлари
кўп,
Япроқлар шитирлар - тили
кеслиган.
Дарахтлар тазарру онини англаб,
Кўйлагини очиб жойнамоз қўлган...
Кимдир келишини кутар ўриндиқ,
Гё ниманидир келган фурсати.
Тангри бандасини бунча севмаса -
Видо борлигини кўяр кўрсатиб...
Кўкка совурилди яна бир имкон...
Сокин талвасада титрайди олам.
Йигилар оралаб хиргойи қилиб,
Халлослаб бозорга кетмоқда одам...

ЕТТБНИНГ АДАБИЙ МУКОФОТИ ЎЗБЕК
РОМАНИГА НАСИБ ЭТДИ

Ҳамид Исмоилнинг "Жинлар базми"
романи Европа тикланиши ва тараққиёт
банкининг 20 минг европлик адабий
мукофотини кўлга киритди. Бу романни
мунаққидлар «Ўзбек таҳтлар ўйини» деб
таърифлаган.

Европа тикланиши ва тараққиёт банкининг
адабий мукофоти Марокашдан Мўғулистангача,
Эстониядан Мисрғача, жами 40 та мамлакат
ёзувчиларини қамраб олган. Мукофот
инглиззабонлар учун ҳам таалуқли бўлган,
умуминсоний ғоя ва муаммолар тасвирланган
полифоник асарларга берилади.

"Жинлар базми" романи Буюк Британиядага
инглиз тилига ўғирилган. Роман 2017 йили
"Академнаш" нашриётида "Жинлар базми"
ёхуд катта ўйин" номи билан ўзбек тилида
ҳам нашр қилинган.

Танловда иштирок этган роман ўзбек тилидан
инглиз тилига таржима қилинган бининчи
романдир. "Жинлар базми" романни
икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда
Ойхон тақдири қаламга олинади. Иккинчи
қисмда эса таникли ўзбек ёзувчиси Абдулла
Кодирийнинг қамалиши ва 1930 йillardargi
зиёлилар қатагони фожиаси очиб берилади.
Романинг инглиз тилига инглиз таржимонлари
Доналд Рейфилд ва Жон Фарндон таржи-
ма қилишган.

Финалда латвиялик ёзувчиси Нора Икстен
ва поляк ёзувчиси Олга Токарчукҳам ишти-
рок этган.

Ўтган йилги мукофотни турк ёзувчиси
Бурҳон Сенmez "Истанбул, Истанбул" романни
учун кўлга киритган эди.

minbar.uz

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!!!

Адабиётнинг ўз жозибаси, сеҳри,
оҳанрабоси бор. Унга асир бўлмаган
қалоб топилмаса керак.

Барча соҳада бўлганидек банк ходимлари
орасида ҳам умид билан ўзларини ижодда синааб юрган ходимлар кўплаб топилади. Биз ана шундай
ижодкорларнинг машқларини "Мутолаа" саҳифасида ёритиб боришни ша асосда танлов тўказишни ре-
жалаштиридик. Голиб деб топилганлар йил охирида маҳсус мукофот ва совғалар билан тақдирланади.

Танловда иштирок этишини хоҳлаганлар ўз ижод намуналарини кўйидаги @bank_axborotnomasi телеграм
канали маъмурига жўнатишлари мумкин.

БОШ МУҲАРРИР
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАССУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-йи e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi

Чоп этишига тайёрлочи "Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ Газета таҳририятининг техник иску-
напаридаги саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк
ахборотномаси" да ўзлон қилинган материалларни
кўчирниб босишига ижозат берилади. Кўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва тайарилмайди. Газета ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил
10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатта олинган.
Газета ҳафтада бир марта - пайсанда куни чиқади.

Буюртма № 303
Адади 2685 нусха

Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табобада чоп этилди.
Босишига рұхсат этилди: 13.03.2019 й.

12345

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ